

Дунёда обидлардан бошқаларга яхшилик йўқ



08:00 / 27.12.2019 2814

Солиҳ Муррий Нумайрийдан ривоят қилади: «Тушимда бир киши олдимга келиб, «Эй Зиёд, одат қилган таҳажжудинг учун, кечаси ибодатда қоим бўлиш учун ўрнингдан тур! Аллоҳга қасамки, бу амаллар баданингни заифлаштирадиган, қалбингни ўлдирадиган уйқудан афзалдир», деди. Чўчиб уйғониб кетдим. Кейин менга яна уйқу ғолиб келди. Кейин яна ҳалиги киши келиб, «Тур, эй Зиёд. Дунёда обидлардан бошқаларга яхшилик йўқ», деди. Қўрққанымдан сапчиб туриб кетдим».

«Солиҳлар гулшани» китобидан